

ИНСОН ^{ВА} ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

“Мен атлаган заёт
зақиқати”

Муваффақиятни
саъй-ҳаракатда, му-
ваффақиятсизликни
лоқайдлик ва дангасаликда,
балони тилда,
ҳаловатни сукутда
кўрдим.

НАЖМИДДИН КУБРО

2019 йил 2 апрель

сешанба № 13 (1165)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

ТОМОРҚА: СИЗ БОЙ, СИЗ КАМБАҒАЛ. НЕГА?



2 Кимдир томорқасидан 20 миллион сўм топади...
Кимдир эса ҳеч вақо!

3 Ўз уйи, томорқасини обод қилмаган одам
Юртни қандай обод қилсин

5 Қаллоблик
...ушбу “жамиятнинг чипқони”
баъзида учраб турибди...

7 Дарз
оилалар нега ажрашишади? Бунинг асл сабаби нимада?

Кимдир томорқасидан 20 МИЛЛИОН сўм топади... КИМДИР ЭСА ҲЕЧ ВАҚО!

БУГУН мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида ҳам аҳоли томорқасидан фойдаланиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

— Аҳоли томорқасини назоратга олиш борасида туман ҳокимлиги қошида махсус штаб ташкил этилган, — дейди Оқдарё туман ҳокимининг муовини Баҳодир Жўраев. — Тумандаги мавжуд 34 та маҳалланинг ҳар бирига масъул вакиллар тайинланиб, улар ўз ҳудудларидаги аҳоли томорқасини хатловдан ўтказдилар. Эндиликда, улар хонадон-ма хонадон юриб одамлар ўртасида томорқадан унумли фойдаланиш бўйича ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Туманимизда 24 738 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 2 230 гектар томорқа майдони бор. Ана шу аҳолининг 575 нафари кам таъминланган оилалар. Самарқанд туманидаги Шрейдер боғдорчилик институтидан 20 миллион сўмлик ҳар хил мевали кўчатлар олиб келиниб, ушбу оилаларга тарқатилди. Бундан ташқари, туманда аҳолига томорқа хизмат кўрсатиш бўйича "Оқдарё аҳоли ва деҳқон хўжалиги", "Сам. Оқдарё аҳоли деҳқон хўжалиги", "Карвон томорқа хизмати" каби 3 та масъулияти чекланган жамият тузилган. Ушбу жамият ходимлари аҳоли томорқаси учун техника хизмати, уруғ, ўғит ва кўчат етказиб берадилар.

— Оиламизда 11 нафар киши истиқомат қилади, Лойиш шаҳарчасида 0,6 сотих еримиз бор. Ана шу томорқадан ҳар йили 20 миллион даромад қиламиз, — дейди Жалол Ражабов. — Эрта кўздан ерга саримсоқпёз, кўкатлар экामиз. Баҳорнинг илк кунидан бошлаб етиштирилган ҳосилни бозорга олиб чиқиб сотамиз. Бугун эса томорқамизга қулупнай, редиска, зирavor уруғларини эканмиз. Ҳовлимизда олча, нок, гилос, олма, шу-

нингдек, кавказдан олиб келинган Қизел дарахти бор. Ушбу дарахтнинг ҳосили қанд касаллиги ва қон босими дардига дучор бўлганлар учун қони фойда. Ҳар йили 100-150 килограмм ҳосил олиб 2-3 миллионга сотамиз.

— Томорқада ишласа қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўларкан, — дейди Лойиш кишлоғида истиқомат қилувчи Насиба Ортиқова. — Нафақат ҳовли ичидаги томорқада, ҳаттоки кўчадаги бир қарич ерга ҳам зирavor ва кўкатлар эканмиз. Томорқада етиштирилган картошка, сабзи, пивё оиламиз учун асқотади, ортиб қолганини бозорга сотамиз. Ҳар йили томорқадан 10-12 миллион даромад қиламиз.

ОГОҲЛАНТИРИШДАН СЎНГ ТОМОРҚА МУСОДАРА ҚИЛИНАДИ

Бироқ мазкур тумандаги айрим хонадонлардаги ҳолатни кўриб ҳайрон қолади киши. Ахир, ҳамма далада, фурсатни ганимат билиб, ризқ-рўзи ва оиласи учун томорқасида экин экиш билан овора. Лекин айрим гафлат уйқусида ётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Амир Темур кўчасида истиқомат қилувчи Сардор Қаршиев 30 ёшга кирган, соғлом, куч-қувватга эга бўлса-да, лекин унинг 0,6 сотих томорқасини бегона ўт босиб, ернинг умри беҳуда ўтмоқда. Ҳаттоки, Сардорнинг томорқасига экин экиш учун туман ҳокимлиги томонидан ҳайдов тракторида унинг ери ағдариб берилди. Сардор бўлса ҳамон пинагини бузгани йўқ. Шунингдек, Лойиш маҳалласида яшовчи Абдимурод Отамуродов хонадонидagi томорқа ҳам қаровсиз. Хонадон соҳибининг куч-қуввати бор, у 58 ёшда, 3 нафар фарзанди бор,



уларнинг 2 таси ўғил, фарзандларининг бири чет элда, иккинчи ўғли тадбиркор. Энг қизиги, у деҳқон бозорида сабзавот сотади. Абдимурод акага "нега томорқага ҳанузгача бирор бир экин экмадингиз", десак, куракда турмайдиган ҳар хил баҳоналарни рўқач қилади. Шу маҳаллада яшовчи Бобур Разоқов хонадонида ҳам томорқа ташландиқ ҳолда.

— Ҳақиқатан ҳам юқорида номлари тилга олинган хонадон соҳибларининг томорқасида шу пайтга қадар ҳеч қандай экин экилгани йўқ, — дейди Лойиш маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гавҳар Аззамова. — Халқимизда "Гапни гапир уқанга", деган ибора бор. Бу хонадон соҳибларига гапирмаган гапимиз қолмади. Огоҳлантириш хати берганмиз. Шундан ҳам хулоса қилишмаса, туман ҳокимига далолатнома ёзиб уларнинг томорқасини мусодара қиламиз, бошқа иложи йўқ.

Бугун юртимиздаги кишлоқ ва маҳаллаларни қузатиб бир нарсага амин бўля-

ман. Кўпгина одамлар томорқасини яшна-тиб, кўкатлар экиб, уларни бозорга олиб чиқиб сотишмоқда, томорқасидан унумли фойдаланмоқда. Улар томорқасидан ўз дастурхонини ва эл дастурхонини бут қилмоқдалар. Минг афсуски, шולי курмакисиз бўлмайдиган деганларидек, айрим хонадонларни ёз буйи ёввойи ўтлар ўсиб ётганлиги бор гап. Хулоса шуки, томорқада меҳнат қилмаса, маҳсулот етиштирмаса, ернинг умрини бекор ўтказса, хонадон эгаси жавобгарликка тортилади.

Эндиликда, аввалги бегамлик даври ўтди. Эскилар айтганидек, осмондан чалпак ёғишини кутиб ётганлар хато қилади, ишлаган — тишлайди. Ана шундан хулоса қилиб ҳар биримиз бугун ўз томорқамизда жон койитиб ишлаб, оиламиз, халқимиз дастурхони сероблиги учун хизмат қилишимиз керак.


Азим ҚОДИРОВ,

"Инсон ва қонун" мухбири

ХАЛҚИМИЗДА баҳорнинг бир кунини бир йилга татийди, деган ҳикматли гап бор. Бу ҳикматнинг маъзини чаққан асл деҳқон борки, ҳеч қачон вақтдан ютказмайди. Аслини олганда билган одамга илгари ҳам ҳозир ҳам томорқадан яхшироқ даромад манбаи йўқ. Сирдарё вилоятида ҳам бугун нафақат оиласи, балки халқимиз дастурхони тўкилишига ҳам ҳисса қўшиб келаётган миришкорлар сафи кўпаймоқда.

Вилоятда томорқадан тўғри ва оқилона фойдаланаётганлар мўл сабзавот ва боғ-роғ маҳсулотлари етиштириб, оила эҳтиёжидан ортганини бозорларга ҳам чиқариб сотиб, яхшигина даромад олмақдалар. Бир йилда ердан икки-уч марта ҳосил етиштириб, деҳқончиликнинг ҳадисини олган миришкорларни-ку айтмаса ҳам бўлаверди. Деҳқончилик туфайли уларнинг турмуши обод, хонадонларини файз-баракати. Бироқ деҳқонларнинг йўриги бошқа. Улар ерга бир ҳовуч уруғ сепади-да, мингларни тўйдирди. Бобо деҳқоннинг чекига тушгани шу: бугун халқнинг ризқ рўзи-ю рўзгорини уйлайди. Шу масъулиятни бўйнига илади. Аммо деҳқон бўлмаган бошқа хонадонлар-чи? Улар ердан қандай фойдаланади? Вилоят ва туманларда иморатига ёндош икки қарич ери бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. "Ерни боқсанг, ер сени боқадир", деган нақлга улар қандай амал қилади? Бугун барча туманларда ҳокимлик органлари томонидан ер эгаларининг

Томорқангизга нима экдингиз? Биз азалдан **МЕҲНАТКАШ ХАЛҚ** эмасмидик?!



томорқага эътибори назорат қилинмоқда. Биз ҳам хонадонлар этагидаги бир парча ерга қандай қаралаётганини кузатиш учун Сирдарё бўйлаб юрдик.

Сирдарё туманидаги Кўешли маҳалласида беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги 926 та хонадоннинг деярли ҳаммасида ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда иссиқхона барпо этилган. Бу хўжалиқда томорқасини ўз ҳолига ташлаб қўйган кишини учратмайсиз. Ҳар бир қарич ердан жуда унумли фойдаланишади. Маҳаллада иссиқхона ҳадисини олган томорқа ер эгалари бир йилда 90-100 миллион сўмгача даромад оладилар.

Сайхунобод туманининг Ўзбекистон маҳалласида ҳам ташкилоти миришкорлар талайгина. Маҳалладаги Ватан

кўчасида яшовчи Хошим Абдуалимов бир неча йилдирки, 8 сотихли иссиқхонада помидор етиштириб келади. У иссиқхонада 1 йилда икки мартаба ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олганлардан. Уста миришкор кузда экилган помидорни киши ойларида йиғштириб олиб, вилоятнинг Гулистон ва Бахт шаҳар деҳқон бозорларида яхшигина пуллайди. Март ойида иссиқхонага иккинчи марта экилган помидордан ҳам юқори ҳосил олади ва ёз буйи халқимиз дастурхонига тортиқ этади. Тадбиркорнинг бир ерда икки марта ҳосил етиштириш ҳисобига олаётган даромади эса йилга 50-60 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ўз томорқасидан ҳалол пешона тери эвазига даромад қилаётган хонадон соҳибларининг

турмуш тарзи ҳавас қилса арзигulik. Фаровон турмуш кечиришмоқда. Аммо ери ерига туташ, худди шундай тенг имкониётларга эга бўлган маҳалланинг айрим хонадонларидаги қаровсиз томорқалар ҳақида яхши фикр айтиб бўлмайди. Ал-Бухорий кўчасидаги Л.Ғозиевга қарашли 35 сотихли томорқанинг ярмига хўжақўрсинга беда экиб қўйилган. Шу кўчадаги Ш.Ғозиевга тегишли томорқа ҳам ҳалигача бўш турибди. Яна бир томорқа эгаси Ў.Қўшиевнинг эса 2-3 йилдан бери томорқасига тайинли экин экилмаган.

— Томорқам жуда паст чуқурликда жойлашганлиги сабабли, ернинг захири қўчирга олмаган, — дейди Ў.Қўшиев. — Турт-беш машина яхши тупроқ тўкиб текислатишга эса маблагим йўқ.

Беш-олти сотихли томорқага тупроқ тўкиб, уни эпақча келтириш наҳотки шунчалик қийин бўлса?! Бу ерга аравада ҳам тупроқ ташиб аямай ўғит солиб, бемалол ерни унумдор майдонга айлантириш мумкинлигини кишлоқнинг 10 яшар боласи ҳам яхши билади. Катта ариқ кўчаси бошидаги янги ҳовлиларга кўчиб чиққан томорқаларнинг айримлари шудгорланган бўлса, айримлари ҳеч бир экин экилмай чўллаб ётибди.

Бебаҳо бойлигимиз — ер умри эса беҳуда ўтмоқда. Президентимизнинг жорий йилнинг 19 февраль кунини Сирдарё вилоятига қилган ташрифи чоғида вилоятда томорқа майдонларидан фойдаланиш қонини қарорли аҳволда эмаслигини каттиқ танқид остига олган эди. Шундан кейин ҳам ер эгаларининг томорқаларидаги тартибсизликлар ва эътиборсизликни қандай тушуниш мумкин? Аслида кимдир бизни "тел-тел" қилиб турши шартми? Азалдан меҳнаткаш халқ эмасмидик?!

Айни дамда эса томорқадан фойдаланмаётган ер эгалари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, 3 баробар солиқ тўлашларига ёхуд ерлари туман ҳокимликлари захира ерларига қўшиб юборилишига асос бўлиши мумкинлиги мутасаддилар томонидан фуқароларга тушунтирилмоқда.

Шухрат СУЯРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ўз уйи, томорқасини обод қилмаган одам Юртини қандай обод қилсин

ХАЛҚИМИЗНИНГ “Ерни боқсанг ер бўлади...” деган кўҳна мақолини кўп бор эшитганмиз. Ернинг ўтмиши ҳам, бугуни ва эртаси ҳам меҳнат эканлигини яхши англаймиз. Меҳнат эса роҳат ва фароғат калити. Энг оғир дамларда меҳнатдан аламингни олсанг бўлади. Ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Отаси урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоғимиз Абдурахмон тоғанинг болалиги, ёшлиги, кексалиги, бутун умри меҳнат билан ўтган. Уч фарзандни отасиз катта қилган онасига тўнғич фарзанд бўлган Абдурахмон Турдиев бутун умр ерга меҳр берди. Трактор ҳайдади, ер чопди, пахта ерларига сув таради. Онасига сўянч бўлди. Ўзи олий маълумотли бўлмаса ҳам, укасини Тошкентдай шахри азимда олий даргоҳда ўқиси учун жон куйдириди. Ҳовлисидаги боғлар, сабзаовот экинлари ака-ўканинг катта оиласини, йиллар ўтиб, невараларни боқди.



Ҳар доим қишлоқда бирор беморнинг кўнгли тусоған сархил мевани қишнинг чилласида ҳам шу меҳнаткаш боғбоннинг уйдан топиш мумкин бўлди. Қўшимча томорқа ери олиб узумзор боғлар, олмазорлар ташкил этди. Меҳнатдан бош кўтармади. Қайта қуришдек золим замон зайлида пешона тери билан етиштирган боғлари ҳосилга кирганда катта боғни бузиб, ўрнига бошқа экинлар экишганида, дарахт шохларидан тўкилган тарам-тарам олма-тарам қўшиқлиб, юрагининг неча-неча банди узилди. Кўксини ерга бериб унсиз йиғлади. Айрим ерни тушунмайдиган раҳбарлардан кўнгли қолди, аммо ердан, меҳнатдан кўнгли қолмади. Саксон ёшдан ошиб, то умрининг сўнгги кунларигача ерни ардоқлади. Фарзандларни ҳам меҳнат ақидаси билан тарбиялаган уста деҳқон, миришкор боғбон Абдурахмон тоға бугун орамизда йўқ бўлса-да, унинг деҳқончилик, боғбонлик мактаби Навбахор туманининг Арабсарой ҳудудида яшапти, мева берапти. Бу хонадон томорқасининг таровати, экинларнинг барважлиги ҳозир ҳам худди аввалгидек. Чунки отасининг ерга меҳри ва кетмони ўғли Акмалжоннинг қўлида қолган.

Бу хайрли ташаббуслар ёшларга ибрат. Ўз навбатида, ёшлар ҳам улардан қолишаётгани йўқ.

Мисол учун, вилоятимизнинг Кармана туманидаги “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ўттиз саккиз ёшли Мақсуд Нуримов ўзининг 32 сотихлик томорқасидан ўтган йили салкам 150 миллион сўм даромад олди. Жорий мавсумдаги даромадини Зарафшон дарёси бўйида 60 сотихлик иссиқхона қуриб, ташландиқ ерни ўзлаштиришга йўналтирмоқчи.

— Етти йилдан буён томорқа билан астойдил шуғулланаман, — дейди у. — 15 сотих иссиқхонам бор. Томорқанинг қолган 17 сотихида очиқ деҳқончилик қиламиз. Йил ўн икки ой бозорга маҳсулот олиб чиқамиз. Меҳнатимизнинг ортидан иморатлар тикладик. Шаҳардан уч хонали уй олдик, машинам бор.

Мақсуд Нуримов бир мавсумда бозорга 55 тонна помидор, 2 тоннага яқин лимон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари олиб чиқди. Кўчат етиштиришдан тортиб, уларни дорилаш, чанглантириш ва бошқа барча тадбирларни умр йўлдоши билан бирга амалга оширади. Олтимиш сотихлик иссиқхонани ишга тушириш, шу йилдан помидор етиштиришни икки баробар ошириш ниятида.

МЕҲНАТИМИЗ ОРТИДАН ИМОРАТ ТИКЛАДИК УЙ ОЛДИК, МАШИНАЛИ БЎЛДИК

Яна бир қўли гул отахон Абдуҷаббор Рашидов Кармана туманидаги “Ёшлик” маҳалласида истиқомат қилади. Салкам саксон ёшни қаршилаётган бу фахрий ўқитувчиға ҳамма-нинг ҳаваси келади. Турли мевали дарахтлар, сабзаовотлар экилган ҳовлидан файзу барақа аримайди. Ҳовли атрофида тут қўчатлари экилиб, ҳар икки йилда етилади, пиллакорларга тарқатилади. Ташаббускор отахон замон билан ҳамнафас. Бу йил Мўйноқда Орол денгизининг суви қуриган тубида химоя ўрмонзорлари барпо этиш ташаббусига қўшилиб, бир минг эллик дона тут қўчатини соғға қилиб, кейин кўнгли тинчиди. Келгуси йилда бундан ҳам кўпроқ қўчат етиштириб бериш ниятида. Шунингдек, Нурота туманига борадиган Қоракарга довонидаги янги йўл ёқасига ҳам тут қўчатлари экишни кўнглига тугиб қўйган отахон ҳозирдан бу хайрли ишга тарадуд кўрмоқда.

ТЎРТ ФАСЛДА ҲАМ ЕР БИЛАН БИРГАМИЗ

Томорқаси ортидан ўз орзу-ҳавасларига етишиб юрган юртдошларимиздан яна бири Навбахор тумани Янгийўл маҳалласида истиқомат қилувчи Зайниддин Олтинов.

— 12 сотих томорқанинг 7 сотихида иссиқхона қилганмиз, — дейди у. — Биргина помидор, бодрининг ўзидан ҳар йили 10 миллион сўмдан ортиқ даромад оламиз. Иссиқхонада йил давомида 3 марта экин экиб ҳосил олинади. Помидор, бодриндан сўнг иккинчи марта булғор қалампир экилиб, унинг ҳосили олингандан сўнг учинчи марта қиш мавсумида қора пёвз экилади. Тўрт фаслда ҳам ер билан биргамиз. Етиштирган маҳсулотларимизни вилоят мактабгача таълим муассасалари бошқармаси билан тузилган шартномага асосан болалар боғчаларига етказамиз. Жорий йилда ҳам 100 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган.

Ун гектарлик фермер хўжалигимиз ҳам

бор. Аммо томорқадаги ерни асло хор қилиб қўймаймиз. Томорқанинг баракаси бошқача.

Дарҳақиқат, юртимиз заминида йилнинг 4 фаслида ҳам маҳсулот етиштириш бўлади. Бунинг учун бироз кўн ва шижоат бўлса кифоя.

Кармана тумани Пахтаобод қишлоғида яшовчи Шавак Бозоров хонадонидagi экин майдонининг 8 сотихида замонавий иссиқхона ташкил этилган. Бу ерда қишда ўтқазилган барваж ривожланаётган 2 минг туپ помидор қўчатлари ҳосилга кирган.

— Иссиқхонадаги ҳарорат 17-20 даражада иссиқ бўлса экинлар яхши ривожланади, — дейди хонадон бекаси Муҳаддас Бозорова. — Бунинг учун қишда ўрнатилган махсус замонавий бўғқозондан фойдаланамиз. Кўмир билан иситилган сув насос ёрдамида ҳайдалиб, у иссиқхона ичиндаги қувурлардан ўтади. Натижада кам ёқилги сарфланиб, барқарор иссиқликни таъминлаш мумкин. Апрель ойида 5-6 тонна ҳосил олишни режалаштираялмиз.

ОДАМЛАРНИНГ ЕРГА МУНОСАБАТИ ЎЗГАРДИ

Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги “Деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ер ресурсларини самарали бошқаришга қаратилганлиги билан тўғра аҳамиятли бўлди.

Ушбу Фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини фуқароларга етказиш, қишлоқ хўжалиғида ердан оқилона фойдаланиш юзасидан ҳудудларда ҳокимлар, ташкилот ва корхоналарнинг мурожаатлари эъло қилинапти. Навоий вилоят ҳокими нурунийларга, деҳқону боғбонларга, томорқа эгаларига, корхона ва ташкилот раҳбарларига, барча навоийликларга мурожаат қилиб, ерга муносабатни ўзгартириш зарурлиги, фойдаланилмаган томорқа ерларининг давлат томонидан олиб қўйилиши ва қайтиб берилмаслигини, ернинг уволи борлигини кўйиниб таъкидлаган. Жумладан, адрля бошқармаси мурожаатида Президентимиз Қарори билан “Намунали томорқачи” ва “Меҳнаткаш деҳқон” кўкрак нишонларининг таъсис этилганлиги, бундан ташқари, аҳолига ушбу соҳада қўлланмадиган солиқ имтиёзлари, банклар томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар, жумладан, деҳқон хўжалиғи ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парвариш-лаётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридида сугурта бадали тўланган тақдирда, сугурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилиши каби имтиёзлар мавжудлиги алоҳида эътироф этилган.

Қонунийчилигимизга кўра, томорқани ободлаштириш, чорва моллари ва паррандаларни кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига ер солиғи ставкасининг пасайтирувчи коэффициентини қўллаш тарзидаги солиқ имтиёзи берилиши, агарда бунинг акси, яъни томорқа ер участкаларида белгиланган экин турлари ҳамда мевали ва манзара-

ли дарахтлар экилмаганлиги, чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги, шу жумладан, ер участкаси ободлаштирилмаганлиги аниқланса, томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солиғи уч баробар миқдоридида ҳисобланиши тўғрисидаги янгиликлар ҳам одамларнинг ерга муносабатини ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Тўғри, ҳаётий қарашлар йилдан-йилга янгиланиб, яшашга бўлган муносабатлар янгилаш мазмун кашф этмоқда. Табиийки, эҳтиёжларимиз ортапти. Аммо кўрилаётган чоралар, айтилаётган сўзлардан етарли ҳулоса чиқармаётган фуқаролар ҳам афсуски йўқ эмас.

СОАТЛАБ ГАП СОТГАННИНГ ТОМОРҚА БИЛАН ИШИ БЎЛ- МАЙДИ

Томорқа маданиятини ўрганишда давом этарканмиз, Кармана туманидаги “Бешкент” маҳалласидаги “Роҳат” кўчасида яшовчи Маҳбуба Ачилованинг томорқаси диққатимизни тортиди. Дарвоза олдида турган хонадон келини Юлдуз Ачилова билан ичкарига кирдик. 6 сотихлик ҳовлида олча дарахтидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ернинг аҳолига эса воя. Ҳатто ағдарилмай қотиб ётган томорқа тартибсиз ташландиқ ҳолатда. Одатда ёш келинчақ бор ҳовлининг файзи бўлачқа бўлади. Бу ҳовлида эса орасталиқдан асар ҳам йўқ. “Қаерда ишлайсиз?” деб сўрадик Юлдузхондан. “Ҳеч қаерда”, деб жавоб берди у. Ҳовлисини саранжом-сарийшта қилиш ўрнига дарвоза олдида соатлаб гап сотиб туришни ўрганган келинчақнинг томорқа билан иши йўқлиги кундай равшан бўлди.


Яна бир хонадон — Кармана тумани А.Қаҳҳор кўчаси 72-уй соҳиббари Хайруллаевлар ишда экан. Тартибсиз ҳовли, ҳеч нарса экилмаган томорқа файсиз манзара кашф этганлиги аниқ. На ҳовли ичкариси, на ташқарисидаги ерларда парвариш йўқ. Ўз ҳолича тарвақайлаб ўсаётган атирғул ҳам хонадон соҳибларининг қўли унга тегамаганлигини кўрсатиб турибди.

Инсон қўли гул, деймиз. Аммо у ўзи яшаётган манзил-мақони обод қилмас, гуллатмас экан, бу тарифга нолойиқ бўлиб қолаверади. Ўз уйини, хонадонини обод қилишни билмаган одам, Ватан ободлиғига қандай ҳисса қўйиши мумкин? Ватаннинг ҳар қаричи муқаддас, деймиз. Аммо шу муқаддас Ватан остонидан бошлиқини билмаймизми? Ватан саждагоҳ каби муқаддас, деймиз. Саждагоҳга шундай муносабатда бўлиш мумкин эмаслигини тушунмай-мизми? Буларнинг барчасини тушунмоқ ва англамоқ учун кўнгли обод бўлмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, одамлар онгидида томорқа маданияти, ерга бўлган муносабат каби қарашларни уйғотиш, бу борада ўзига ҳос тизим яратиш ва амалга ошириш бугунги куннинг муҳим ва устувор вазифаларидан биридир. Қабул қилинаётган фармон ва қарорлар аҳолининг томорқа ерларидан самарали ва унумли фойдаланиши, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириши, бозорларда нарх-навоининг барқарорлигини сақлаш, аҳоли онгидида томорқа маданиятини юксалтириш билан бирга, ерга бўлган муносабатни ва аҳоли имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилсагина кўзлаган мақсадга эришиш мумкин.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири





ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

РЕСПУБЛИКАДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

2019 йил 27 мартда Президентининг “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорнинг қабул қилинишидан мақсад электр энергия тармоғини бошқаришни барча ҳудудларда сифатли йўлга қўйиш, электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва etkazи беришни янада такомиллаштиришдан iboratдир. Хужжатда таъкидланишича, бугунги кунда электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминлашдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг санoат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиш бўлмайди.

Шу сабабли электр энергия тармоқларини янада ривожлантириш учун “Ўзбекэнерго” АЖ учта Акциядорлик жамиятини ташкил этиш йўли билан қайта ташкил этилмоқда.

Қарорга мувофиқ, “Ўзбекэнерго” АЖ базасида:

“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти;

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти;

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ташкил этилади.

Хужжатда ушбу акциядорлик жамиятларининг функциялари қуйидагича белгиланди:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ — иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқаради.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ — республиканинг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш амалиёти билан шуғулланиди, электр энергияни республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали etkazи бериб, давлатлараро транзитини амалга оширади, электр энергияни экспорт ва импорт қилади, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилади, электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, магистрал ва худудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик орқали бошқаради, электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариб, электр энергияни худудий электр тармоқлари корхоналарига сотади.

“Худудий электр тармоқлари” — электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи худудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаради.

Маълум бўлишича, “Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг соҳага оид бўлмаган ва фойдаланилмаётган активлари ва улушлари 2019-2021 йиллар давомида белгиланган тартибда сотиш мақсадида баланс қиймати бўйича Давлат активларини бошқариш агентлигига берилади. Агентлик эса янги ташкил этилаётган АЖлар устав капиталларидаги давлат акциялари пакетлари бўйича ҳуқуқ эгасига айла-

нади. Шунингдек, ҳужжат билан “Ўзбекэнерго” АЖ таркибига кирувчи бир қатор хўжалик жамиятлари ҳамда корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатиш назарда тутилган.

Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги қарори билан ташкил этилган Электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш бўйича комиссиянинг ишчи органи сифатида Энергетика вазирлиги қoшида Лойиҳа офиси ташкил этилади. Унга энергетика вазирининг ўринбосари бошчилик қилади.

Хужжатда энергия ресурсларининг таннархини пасайтириш ва йўқотишларни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни, шунингдек, уларга эришишни босқичма-босқич механизмларини кўрсатган ҳолда янги ташкил этилаётган АЖлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

2019 йил 1 июнга қадар 2019-2021 йилларда электр энергетика тармоғини рақамлаштириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилади. Унда ресурсларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизими (ERP) диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA)ни жорий этиш, электр энергияни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ)ни жорий этиш бўйича лойиҳа амалга оширишни жадаллаштириш ишларининг аниқ тадбирлари, муддатлар ва молиялаштириш манбалари назарда тутилади.

Қарорга мувофиқ, 2020-2030 йилларда мамлакатнинг ёқилғи-энергетика таъминоти концепцияси ишлаб чиқилади.

Мазкур қарорда қайд этилишича, “Қишлоқэнергoлоийҳа” АЖ негизида ташкил этиладиган “Ўзэнергомжининг” АЖ лойиҳа ташкилоти 0,4 кВдан 500 кВгача кучланиши барча типдаги электр тармоқларини лойиҳалаштиради.

2019 йил 1 июлдан:

қуввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиладиган корхоналарни қуриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар республика ҳудудларида жойлаштириш Энергетика вазирлиги билан келишган ҳолда;

хусусий ишлаб чиқарувчилардан электр энергияни харид қилиш танлов асосида ҳосил қилинаётган электр энергиянинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

ЭХТИЁЖМАНД, АММО ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР- НИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ОЛИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ҳукумат қарори билан 2019 йил 28 мартда “Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуksиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжат қабул қилинишидан мақсад иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш ва муносиб рағбатлантириш, эҳтиёжманд оилаларда тарбияланаётган ўқувчиларнинг узлуksиз таълим олишига кўмаклашиш, уларнинг тўғри касб танлаши ва келажақда ҳаётини тўғри йўлга қўйишига ёрдамлашиш ҳисобланади.

Хужжатда белгиланишича, ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли

фарзандларини узлуksиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуksиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) худудий идоралараро кенгашлари томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёзма тавсия асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) худудий идоралараро кенгашлари ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуksиз таълим олишини рағбатлантиришда қуйидаги асосий тамойилларга амал қилади:

ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш;

ошкоралик ва очиқликни таъминлаш; ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини рағбатлантиришни манзилли тарада амалга ошириш йўли билан шу мақсадларга ажратилган маблағлар, шунингдек, бошқа воситалардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

оила аъзоларининг моддий фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маълумоти ва касб даражасини ошириш борасида оиланинг масъулиятини кучайтириш.

Бу каби оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуksиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти ва маҳаллалар томонидан ҳар йили 1 июнга қадар ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) худудий идоралараро кенгашларига ёзма тавсия билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандлари томонидан қўлга киритилган ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар (олимпиадалар, кўрик-танловлар ҳамда спорт мусобақаларида голиб ва совриндорлигини тасдиқловчи дипломлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлганда);

ўқувчи ва унинг оила аъзоларининг паспорти ёки тутилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

ўқувчининг оила аъзолари биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлганда);

ўқувчининг оиласи боқувчисини йўқотганлиги тўғрисида ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлганда).

Иқтидорли болаларни аниқлашда қуйидаги ижтимоий мезонларга эътибор қаратилади:

а) ўқувчининг кўп болали оиладан эканлиги (оилада уч ва ундан ортиқ бола мавжудлиги);

б) ўқувчининг оиласида биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

в) ўқувчининг ёлғиз она (ота) томонидан икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган фарзандлар тарбиялаётган оиладан эканлиги;

г) ўқувчининг фан, санъат, таълим ва бошқа йўналишлардаги ютуқлари, турли олимпиадалар, кўрик-танловлар ҳамда спорт мусобақаларида голиб ва совриндорлиги, аъло баҳоларга ўқиши.

Низомга мувофиқ, ҳар ўқув йили бошида бундай ўқувчилар қуйидагилар билан таъминланади:

замонавий ягона мактаб формаси; асосий турдаги ўқув қуроллари; бадий китоблар; болалар газета ва журналларига обуна қилиш; республика оромгоҳларида дам олишини ташкил этиш.

Ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) худудий идоралараро кенгашлари томонидан ҳужжатлар ҳар йили 10 июнга қадар кўриб чиқилади ҳамда 15 июнга қадар ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар идоралараро кенгашларига тақдим этилади.

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА: ЯНГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Жорий йил 28 мартда “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимиз Фармони қабул қилинди.

Фармонда чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслиқлик йўналишидаги чорвачилик хўжаликлари фаолиятини, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда йирик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги, шу билан бирга айни дамда республикада наслиқлик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантириш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш масалалари асосий мақсад қилиб қўйилган.

Фармон билан Давлат ветеринария қўмитаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланган берилди. Унга кўра, мазкур қўмита эпизоотик осойишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юкмли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликнинг барча тармоқлари ва наслиқликни ривожлантириш учун масъул давлат бошқарув органи ҳисобланади. Қуйидагилар Қўмита таркибига ўтказилди:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг академик лицейи;

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти;

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти;

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

Қўмита ҳузурда Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ҳамда “Ўзбекчорванасл” агентлиги ташкил этилди.

2020 йил 1 январдан:

100 бошли чорва ва 100 минг парранда бўлган хўжаликларда ветеринария врач ва зоотехник штати жорий этилади;

қорамолчилик йўналишидаги хўжаликлардаги ҳамда аҳоли қарамоғидаги сиргирлар селекция режасига асосан наслиқ буюқлар уруғи билан сунъий уруғлантирилади;

туман ҳокимлари ҳар йилнинг 1 декабрига қадар “Ўзбекчорванасл” агентлигининг худудий бошқармалари билан келишган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига келгуси йил учун озуқа экинларини жойлаштириш режасини тақдим этади.

“Инсон ва қонун” мухбири
Мадҳия АВАЗОВА тайёрлади.

Менга ишонаверинг... Ў ҚИШГА КИРИТИШ “ЧЕПУХА”

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ амалдаги тегишли қонун ҳужжатларида пора олган шахс ҳам, пора берган ҳам тегишли жазога тортилиши мукаррар, деган ҳуқуқий меъёр мавжуд. Шу ўринда беихтиёр мазкур адолат мезонига ҳамоҳанг бўлган қадимий ривоят ёдга тушади.

Дейдиларим, қадим замонда жуда адолатли қози бўлган экан. Қунларнинг бирида унинг олдида бир фуқаро арзу дод қилиб келибди: — Қози жаноблари, фалончи қассоб мени алдаб чув туширди. Ундан пулларимни олиб беринг.

— У сени нима деб алдади, пуллари қачон ва қандай олди — сўрабди қози. — Қассоб бир йил аввал фалон жойда зотдор сигирлар сотилаяпти. Сенга биттасини арзон нархда келтириб берман, деб мендан пул олган эди. Ҳануз на сигирдан, на пулини қайтаришдан дарак йўқ. Уйига борсам “бир кун олиб берман-да”, деб мени қувиб солди.

Қози воқеани обдан ўрганибди, гувоҳларнинг сўзларини эшитибди. Сўнгра қассобни хузурига келтириб, шу ернинг ўзидан ундан аргўйнинг ҳақини ундириб берибди. Орадан бир қанча вақт ўтган, ўша фуқаро яна қозининг олдида келиб: — Жаноб қози, қассоб мени яна алдади, адолат қилинг, — деб йўглабди.

— Ҳўш, бу гал қассоб сени қандай қилиб алдади?

— Уттан ойда букамни сўйган эдим. Қассоб “сөн вақтинги кетказма, харидор қидириб қийналма. Узим гўштини сотиб, эртага пулини келтириб берман” деб меҳрибонлик қилди. Лекин гўшт ҳам сотилиб кетдики, пулини берай демайди...

Унинг гапини эшитган қози хизматдорини чақирди ва аргўйнинг қирқ дарра билан савалашни буюрди. Бу ҳужмин эшитган фуқаронинг физиономаси фалакка чиқди: — Эй адолатли қози, нахотки мен ёлгон гапирётган бўлсам? Ахир, менинг сўзларимга бутун қишлоқ аҳли гувоҳку.

— Мен сенинг рост гапирётганингга ишонман, — деди қози. — Қассобнинг муттаҳамлигини ҳам биламан. Қирқ дарра сенинг аҳмоқлигинг ва бошқа алданмаслигинг учун. Токи, бу сенга бир умр сабоқ бўлсин.

Ўртимизда барча ОАВ саҳифаларида поранинг турли кўринишлари билан

боғлиқ ҳар қандай ҳолатларга миллий қонунчилигимизда жавобгарлик чоралари белгиланганлиги, гараз мақсадли кимсаларнинг найранглари ҳақида кўплаб мақолалар ёритилмоқда. Лекин олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамай, айрим фуқароларимиз ҳамон ўз муаммоларини тўғри йўл қилиб, эгри йўл билан ечишни мақбул кўрадилар. Натижада муаммолар исканжасига баттар ботишади.

Жамол Тўрғунов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Олий таълим даргоҳининг охириги курсида ўқиб юрган кезлари, нафса домига илинди. Унинг нуфузли олий ўқув юрти талабаси эканлигини ёки “казо-казолар билан танишман”, деб мактабишлари учунни ҳамқишлоқлари орасида анчайин обрўси баланд эди. 2017 йил март ойида у “Ўрикзор” савдо мажмуасида савдо билан шуғулланувчи эски танишини учратиб қолди. — Сен катталар билан танишсан, бир укалик қилгин, — деди Маматқул ака саломалиқдан сўнг.

— Ўғлим Ойбек бу йил мактабни биттираяпти. Тошкентдаги бирор институтга киргизиб қўйиш керак.

— Ойбекнинг ўзи нимага қизиқади? — сўради текин ўлка ҳидини сезган Жамол қиёфасига дарров салобатли тус бериб. Маматқул акага унинг бу сўзи “Қайси ўқув юртига киргизиб қўй”, — дегандек туюлди:

— Э, унга барибир. Ишқилиб институт бўлса бўлди.

— Майли, мен бир акахонлардан сўраб суриштирай-чи, лекин... биласиз-а? — Биламан. Бу ёғдан хавотир олма, кечроқ уйга ўт, гаплашиб оламиз.

Хуллас, ўша кунни ҳамқишлоқлар ўзаро тил топишди. Маматқул ака Жамолга 4,500 АҚШ доллари берадиган, у эса Ойбекни институтга ўқишга киритиб қўядиган бўлди. Жамол бунак сифатида 700 доллар олиб, уй эгаси билан қуюқ хайрлашди. Имтиҳон олди эса қолган 3 минг 800 долларни қўлга киритди. Табиий, имтиҳонда калласи бўм-бўш Ойбекка отасининг пули ёрдам беролмади. Ўғли ўқишга киролмагач, Маматқул ака Жамолдан олган пулини қайтаришни талаб қила бошлади. Пулни аллақачон ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган ёш фарибгар эса “каттакан акахонни Яллага дам олишга кетгани, келаси йил, албатта, ўқишга, киритишни” айтиб ёлгон

гаплар билан унинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдирар, шу тариқа кунни кунга, ойни ойга уларди. Янги йил арафасида улар яна Маматқул аканинг хонадонига, байрам дастурхони атрофида учрашди. Уй соҳибининг уқаси меҳмонга келган экан. — Тўлиқ укам ҳам қизини юридик коллежга киритиш ниятда. Бунга эгил оласанми? — сўради Маматқул ака Жамолдан.

— Ака, институтга кириш сал қийинроқ-да. Лекин, коллеж дегани “чепуха”. Икки минг кўпига бемалол киргизиб қўяман, менга ишонаверинг...

Пўрим қийинган Жамол оғзини тўлдириб дадил, ишончли гапирарди. У ҳар икки сўзида устаси фаранг фарибгарларга хос “фалончи яқин оғайним, пистончи дўстим”, дейишни қанда қилмасди. Шундай қилиб, “хожатбарор” студент яна уларни чув туширди. Маматқул аканинг уқаси Т.Амиров Жамолга пешона тери билан толган икки минг АҚШ долларини ўз қўли билан тўтқазди. Орадан қўл вақт ўтмай саракни саракка, пучакни пучакка ажратадиган имтиҳон палласи етиб келди. Ва яна Маматқул ака ва Тўлиқ кутгандек бўлмади. Уларнинг фарзандлари ўқишга киришолмади. — Ҳали кеч эмас, — деди Жамол ака-укаларнинг дўқ-пўписасига пинагини бузмай — тўғирласа бўлади. Яна қўшимча жой бор. Мен “катталари” билан гаплашдим, фақат яна озгина қўшиш керак дейишяпти.

Бу гал ака-ука Аммировларнинг кўзлари очилди. Жамол Тўрғунов фарибгарлик билан уларнинг ҳар иккисидан жами минг АҚШ доллари олаётган пайтда, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди томонидан саёр суд мажлисида айбдорнинг ўз қилмишдан пушаймонлиги, биринчи бор судланаётганлиги, жабрланувчиларга келтирилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва бошқа бир қатор ҳолатларни инобатга олган ҳолда, Ж. Тўрғуновга катта миқдорда жазима жазоси тайинланди.

**Дилмурод Муҳиддинов,
Бosh прокуратура хузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
Департаментининг Тошкент шаҳар
Чилонзор туман бўлими инспектори
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири**

НОПОК “ОШ”НИНГ АЧЧИК МАЗАСИ

А.Жамолов Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ катта инспектори ва П.Ортиқов Тошкент шаҳар ИИББПНХ ва ЖТСБ Кинология хизмати ЙГПХ бригадаси кичик инспектор кинолог (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳуқуқий идора хизматчиси сифатида бошқаларга ибрат бўлиши лозим эди, аслида. Лекин “нафсим қурғур баодир, ёмон ўтга соладур” деганларидек, уларнинг нафси вазифасига содиқлик аҳдидан устун келди.

Бу мақсадлари туташ олиғларнинг навбатчилиги 2018 йил 19 июлдан 20 июлга ўтар кечаси Олмазор туманидан Тошкент вилоятининг Зангиота туманига ўтадиган автомобиль йўлида жойлашган “Минерал сувлар” блок-постида бўлди. Улар тун бўйи постдан ўтаётган автомашиналарни кузатиб туришаркан, вазифасини ҳалол ва сидқидилдан бажариш ўрнига қингир йўлни қидира бошлади.

20 июль тонги соат 05:00 чамаси постдан ўтаётган юк автомашинасини тўхтади. Ҳайдовчи устига 100 дона прессланган сомон ортиб олган юк автомашинадан тушиб навбатчи ходимлар ёнига келаркан, ҳужжатларида камчилик борлигидан ўнғайсизланди. Бу ҳолат эса хизмат ходими А.Жамоловни сержантлариди. Ҳар доимгидек, А.Жамолов ўзини таништириб, ундан ҳужжатларини кўрсатишни сўради. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжати ёнида йўқлигини айтиб, уэр сўради. Аброр ҳужжатсиз транспорт бошқариб юриш мумкин эмаслигини тушунтираркан, Ҳайдовчидан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини олиб, юк автомашинасини жарима майдончасига олиб боришни талаб қилди. Ҳайдовчи бошини қаллаганича, жарима майдонига қараб кетди.

Бу ҳолатни кузатиб турган Р.Ортиқов юк автомашинасидан тушиб, хизмат ходимлари ёнига келди. Улардан Ҳайдовчига транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини қайтариб беришни, унга содир этилган қондабузарлик ҳолати бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилмаслигини илтимос қилди. Бўлмади. Навбатчи ходим илтимосини рад этди. Лекин Р.Ортиқов навбатчининг қатъияти билан қиёфоланг, ортага қайтмади. Чунки у бу постдан аввал ҳам ўтган. Улар билан қандай тиллашсини бади. Бу ишни осон битадиган йўлни топади.

Равшан пост-навбатчисига 150 000 сўмни секин узатди. Хизмат ходими бу ҳолатдан таажублангандек, орқага тисарилди. Гўё ўзини нуқулвай сезгандек, қўлини орқасига бериктиди. Лекин Равшан ҳадеб қўстайверганидан “кўнгли юмшаб” тонги “насиба”ни қайтаришни истамди.

Хизмат ходимлари юк эгасининг “илтимос”ни бажариш баҳонасида пора олаётган пайтда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан А.Жамолов ва П.Ортиқов ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда пора олиб, жиноят содир этганлиги айбланиб, суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

**Зафар БОБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмазор туман суди раиси**

ҚАЛЛОБЛИК



БИЗ қанча надоматлар билан коррупцияга қарши бонг урмайлик, қўндалик ҳаётимизда ушбу “куньянинг чиққони” баъзида учраб турибди. Энг ачинарли жиҳати шундаки, нуфузли ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлган айрим давлат ташкилотлари иш фаолиятларида пора олди бердиси ҳамон кузатилмоқда. Кўп инсонлар кимгадир мурожаат қилганда, “муаммони ҳал қилмоқчи бўлсанг, албатта, кимнидир рози қилишинг керак”, қабилида иш тўтишади. Чунки бегона шахслар ҳоҳантманд кўринган инсоннинг хатти-ҳаракатлари ҳам нимадир олишга шаъма қилинган бўлади-да.

Табиатга ёз ойи меҳмон бўлиб, талаба бўламан деган умид билан юрган ёшлар фаоллашди. Улар турли олийгоҳлар ва академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари га имтиҳон топшириш ҳаракатида. Фарҳод Азимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2018 йилдан Олий ўқув даргоҳи хузуридаги Иктидорли болалар академик лицейи директори вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимда ишлаб келарди. Айни дамда 2018-2019 ўқув йилида лицей қабул комиссияси раиси ҳам эди. У лицейнинг ҳужалик ишлари бўйича директор ўринбосари Нурулло Якубов билан

кўп ишлари “баҳамжихат” ҳал қилишарди. Шу тариқа улар жинойи тил бириктиришди. Республика Олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 11.06.2018 йилдаги 1-сонли баёнига кўра, Иктидорли болалар академик лицейига 2018-2019 ўқув йили учун жами 78 та квота ажратилган бўлиб, ушбу квота доирасида ўқувчилар тўпланган балларнинг юқорилигига қараб кетма-кетликда ўқишга қабул қилиниши лозим бўлган. Лекин Фарҳод Азимов ва Нурулло Якубовлар мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, мазкур квота юзасидан ижодий синовларни ўтказиш бўйича предметлар комиссияси аъзолари иштирокида умумий мажлис баённомаси қарорини қабул қилмасдан, уларнинг розилиқларини олмаддан саралаш баллини 80 балл қилиб белгилаб қўйишди. Натижада, ўз билими ҳамда ҳеч қандай “таниш-билиш”сиз имтиҳон топширган Ф.Абдураҳмонова (79 балл), Х.Абдувалиева, Ж.Раҳматовлар (78,9 балл), С.Илашев, Ж.Незматовлар (78,8 балл), М.Миржалолов (78,7 балл), А.Ғулимов (78,6 балл) ва шу қабил балл тўплаган кўплаб ўқувчилар ўқишга қабул қилинмади. 15 нафар ўқувчи юқори балларни тўплаган бўлсалар-да, уларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари қасддан бузилди, шахсий ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказилди. Вақтинчалик директор ва унинг ўринбосари лицейга кириш имтиҳонидан 56 балл тўплаб, ўқишга қира олмаган Н.Нурмоновнинг онасидан, тўғирого, ўртадаги даллол М.Юсуповдан берилганидан кўшимча квоталарга асосан фарзандини ўқишга қабул қилиш эвазига 2000 АҚШ доллари талаб қилди. Шу орада улар М.Юсуповдан қўлидаги 12.000.000 сўмлик “Ракета” русумли тилла соат ҳамда 9.090.000 сўмлик тилла браспетларни гаров эвазига олиб қола-

ди. Ушбу буюмларни Н.Нурмонов учун ваъда қилинган 2000 АҚШ доллари берилганидан сўнг қайтаришларини маълум қилишди. Шундан кейин лицей директори хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ҳақиқатан ҳам лицейга ўқишга қирмаган Н.Нурмоновни ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги сохта ҳужжат, яъни 1-сонли маълумотномани ўринбосари орқали расмийлаштириб, даллолга бериб юборди. Нафсини жилволай олмаган вақтинчалик лицей директори Н.Нурмоновнинг ўқишга қабул қилинганлиги муносабати билан тандир гўшт, қимматбаҳо коньяк ва вино олиб келишини ҳам таъкидлашни эсидан чиқармади.

Лицей директори томонидан ўзининг қимматбаҳо буюмлари гаровга олиб қолинганидан қаттиқ аччиқланган М.Юсупов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ариза билан мурожаат қилди. Тезкор тадбир давомида Ф.Азимовнинг ўринбосари Н.Якубов ўқув даргоҳи ёнида М.Юсуповдан 140.000 сўмлик тандир гўшт, 60.000 сўмлик вино, 100.000 сўмлик коньяк ҳамда талаб қилинган 2000 АҚШ доллари ҳисобидан 500 АҚШ долларини олаётган пайтда қонун ҳимоячилари томонидан ашёвий ҳамда рад этилмас даллилар билан қўлга олинди. Натижада, суд томонидан поракўр амалдорлар озоқлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жинойи жавобгарликка тортилди.

Шунга ўхшаш воқеалардан хабар топган айрим таълим тизимидagi ташкилотлар қадимини йўлаб бошиша не ажаб.

**Муҳаммад ҚАЙМОВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек
туман суди судьяси,
Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири**



БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ
**"GULL-MED TIBBIYOT XUSUSIY
 KORXONASI"** ЖАМОАСИ

Она Ватанимиз сарҳад-лари узра давом этаётган гўзал ва дилбар айём — Наврўзи олам билан халқимизни самимий муборакбод этади. Мана шу қутлуғ кунда Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз. Дошқозонларда сумалаклар пишириб, дастурхонларга баҳор неъматларини тортиб, сайил-томошаларда фаол иштирок этаётган ҳамюртларимизга ғайрат ва шижоат ҳамроҳ бўлсин. Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва муруват ҳеч биримизни тарк этмасин!

*Байрам муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!*

ТЎКИС БАХТИНГ ТЎКИЛМАСИН

ДАВЛАТ статистика қўмитасининг маълумотига қўра, ўтган 2018 йилда Ўзбекистонда 311,4 мингта янги оила тузилгани ҳолда, ФХДЁ органлари томонидан 32,3 мингта никоҳдан ажралиш ҳолатлари қайд этилган. Мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,0 промилленни ташкил этган. 2017 йилда ажралишлар сонинг юқори суръатлари Андижон (31,1 фоиз), Тошкент (19,4 фоиз), Сурхондарё (5,6 фоиз) ва Тошкент (2,8 фоиз) вилоятларига тўғри келган.

Хўш, оилалар нега ажрашади? Бунинг асл сабаби нимада? Фуқаролар никоҳ, оила муқаддаслиги, ажралиш ва бошқа оилавий муносабатларга нега энгил қарашаяпти? Эр-хотин ажрашмаслиги, бахтли яшаши учун нима қилиш керак?

ОИЛА ТАНАЗЗУЛИ

Дунё миқёсида оила ва никоҳ муаммоларига қаратилган илк тадқиқотлар Ғарбда 1889 йилдан бошланган эди. Ўтган вақт мобайнида маълум бўлдики, ҳар бир оила кичик бир кўрган, ўзаро муносабатлар макони бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари, таназул ва ривожланиш аъёнлари мавжуд экан. Олинган илмий натижаларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, орадан 100 йилдан ошқан вақт ўтган бўлса-да, оила масаласи яна долзарб тули олд. Негаки, тараққиётнинг кейинги пайтларида, айниқса, айрим Ғарб давлатларида қўлаб оилалар чуқур таназулли бошдан кечирди. Шу боис оила масаласи сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборида тургани бежиз эмас. Чунки оила барча даврларда давлат ва жамиятнинг гамхўрлигига муҳтож бўлган. Ўзбекистонда ҳам оилалар равангада нохушликдан қузатилганидан кўз юма олмаймиз. Бу тубсиз дилхиралликларнинг олдини олиш ҳамда оилаларга маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш соҳасида аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, оилавий ажримларнинг олдини олиш мақсадида Оила кодексига судга ёки ФХДЁ органларига ажралиш учун ариза берган шахслар тўғрисида маҳалла фуқаролар йиғинларини хабардор қилиш бўйича алоҳида норма киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, Олий суд билан Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида меморандум имзоланиб, ажралишга ариза

берганлар билан дастлаб Хотин-қизлар қўмитасида суҳбат ўтказиш ва ажрим юзасидан ҳулосасини олиш йўлга қўйилди. Кенг жамоатчилик вакиллари ўзаро ҳамкорликда олиб борган ишлар тўғрисида 2018 йилда ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг 26 мингта яқини яраштирилди. Энг муҳими, бунинг натижасида 36 минг 500 нафарга яқин болалар ота ва она меҳридан жудо бўлишдан сақлаб қолинди.

Шундай бўлса-да, олиб борилган ишлар, хусусан, оилавий ажралишлар бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2014-2017 йиллар давомида бундай ҳолатлар сони ҳар йили ўртача 3-4 фоиз ортиб борган, биргина 2018 йилнинг 11 ойи давомида 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан 43 тага ошган. Натижада эса 2018 йилнинг ўзига 22 минг нафардан ортик воғга етмаган болалар ота ёки она меҳридан маҳрум бўлган.

Шу ўринда айтиш лозимки, оилавий муаммолар тўғрисида келиб чиқадиган жиноятларни кескин камайтириш мақсадида 10 минг 14 та нотинч оила билан профилактика ишлари олиб борилган ва 71 фоиз шундай оиланинг нотинчлиги бартараф этилган. Хотин-қизлар, маҳалла, профилактика инспекторларининг ҳамкорликда олиб борган ишлари ва қўрилган чоралар натижасида, хусусан, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик

2018 йилда 34 фоизга камайган.

ОТАЛАР СЎЗИ ҚАДРСИЗЛАНГАНДА... ОИЛАЛАРДА МОЖАРО КЎПАЙДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан илк марта журналистлар билан видеоконференция кўринишидаги мулоқот ўтказилди. Видеоконференцияда Олий суд раиси ва барча вилоят судьялари иштирок этишди. Унда Олий суд раиси К.Комилов қўлаб мавзуларда фикр юритиб, жумладан, фуқаролик судларида қўрилаётган аксарият ишлар оилавий масалалар билан боғлиқ эканлигини таъкидлади.

— Фуқаролик судида 3-4 йил ишлаган судья яқин ҳафтани бўлиб етишади. Бу ерда жуда оғир масалалар қўрилади, — дейди Олий суд раиси К.Комилов. — Хусусан, оилавий низоларни ўрганиш жуда қийин. Тасаввур қилинг, энг яқин инсонлар бир-бирдан норози, сиз уларнинг муаммосини ҳал қилишингиз керак. Ахир кўз олдингизда оилалар ажралиб кетиши, болаларнинг аросатда қолиши жуда ёмон-ку?

Шу ўринда айтиш лозимки, ажралиш тўғрисидаги ишларни имкон қадар судга олиб чиқмасликка ҳаракат қилиш керак. Бизда расмий бўлмас ҳам яраштириш институти шаклланган. Ажралиш тўғрисидаги ишларни имкон қадар судга

ча ҳал қилиш керак. Шу ўринда маҳаллалар фаолиятдан бироз хафман. Улар оилаларни яраштириш борасида жиддий иш олиб бориши лозим. Оила масаласига энгил қараб бўлмайди.

Биз 2018 йилда 26 минг оилани яраштиришга эришдик. Бу натижага қўлайтиришимиз керак. Яқинда водийда бўлдики, у ерда шунчаки шаръий никоҳ асосида яшаётганлар кўп экан. Хотин қайнонага ёқмайди-да, кейин... Нима, у буюминг тез-тез алмаштирадиган? Менга қолса, эр-хотин ўртасида никоҳ шартномаси тузилмиш шарт.

Шунингдек, фуқаролик судларида алимент ва мерос масалалари бўйича ҳам жуда кўп аризалар тушган. Лекин оилалардаги мунозараларнинг судгача чиқиши жуда хуноқ ҳолат эмасми? Шу маънода айтганда, оилалар оталар сўзининг қадри камайгани турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, бир оила вакиллари мерос талашини қандай изохлаш мумкин? Назаримда, кейинчалик муаммо туғилмаслиги учун оила бошлари вақтида барча нарсани тақсимлаб беришлари керак.

давоми кейинги сонда...

Гулсум ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Сергили туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергили тумани, Ободот қўчаси, 3-ўйи) 2019 йил 5 июлда 620595 сонли реестр рақами билан давлат рўйхати олигани "ISKANDAR K UKOVLEV" ММҚ манзили Сергили тумани, УМажмадурова қўчаси — 99 (СТПР: 302 146 551) талқисноқининг 2019 йил 1-февралдан 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қоронга почта манзили бўйича қабул қилинади.
Тел.: (90) 953-59-80.

Сергили туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергили тумани, Ободот қўчаси, 3-ўйи) 2019 йил 30 июлда 003260-06 сонли реестр рақами билан давлат рўйхати олигани "BOLAJON ART" ММҚ манзили Сергили тумани, УМажмадурова — 99 (СТПР: 302 146 551) талқисноқининг 2019 йил 1-февралдан 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қоронга почта манзили бўйича қабул қилинади.
Тел.: (97) 749-08-89.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергили тумани, Ободот қўчаси, 3-ўйи) 2019 йил 25 февралда 003260-06 сонли реестр рақами билан давлат рўйхати олигани "OLIM BARAKA IMPEKS" хусусий корхонаси тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
ИФН: 302 515 554.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (98) 368-59-68.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан (Тошкент шаҳари, Миробод тумани, Афросиёб қўчаси, 151-ўйи, 6-хонадон манзилда) давлат рўйхатидан ўтган "MINKY MEDIA" ММҚ (СТПР: 305 212 331) талқисноқининг 28.03.2019 йилдаги уқуқий йиллиги баённомасига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 936-21-12.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Юнусобод тумани, Миробод тумани, Афросиёб қўчаси, 151-ўйи, 6-хонадон манзилда) давлат рўйхатидан ўтган "MINKY MEDIA" ММҚ (СТПР: 305 212 331) талқисноқининг 28.03.2019 йилдаги уқуқий йиллиги баённомасига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
ИФН: 302 054 097.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари марказида 09.07.2018 йилда 621186 рақам билан рўйхат олигани Шайхонтоҳур тумани, "Кёки сано" 1-маъво, 10-ўйи, 1-хонадонда жойлашган "AL AMIN ART" ММҚ (СТПР: 305 641 568) талқисноқининг 26.03.2019 йилдаги 01/03-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 696-00-04.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 10.02.2019 йилда 684451 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Уриқсор деразаси, ТХАЙ ва Бўзур каналлари оралиғида "Ozqo'qoat Standart Karton" Ойнинг Стройторд ҳудудидagi, 2-блок, 1-ават, 209-дўкон манзилда давлат рўйхатидан ўтган "ABDOR" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР 204 395 094) талқисноқининг 2019 йил 19 мартдаги 3-сонли йиллиги қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 696-00-04.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 04.02.2019 йилда 679972 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "O'RKIZOR SAVDO KOMPLEKSI" ММҚ 1-навиллон, 22-дўкон манзилдаги

давлат рўйхатидан ўтган "ABDULLAYEV ABDURAUUF ABDULLAYEVICH" хусусий корхонаси (СТПР 306 094 836) талқисноқининг 2019 йил 25 мартдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 448-59-54.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани "Гўнона дарча" марказида 15.11.2017 йилда 653419 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, ТХАЙ қўчаси, 20-ўйи манзилда давлат рўйхатидан ўтган "ROYTAXT AGRO EXPORT" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР 305 133 012) талқисноқининг 2019 йил 19 мартдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 969-59-91.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 08.02.2019 йилда 683610 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "O'RKIZOR SAVDO KOMPLEKSI" ММҚ ҳудудидagi "Stroytorod" савдо маъмури ҳудудидagi 3-блок, 1-ават, 209-дўкон манзилда давлат рўйхатидан ўтган "BLACK-CERBERUS" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР 305 114 328) ягона талқисноқининг 2019 йил 19 мартдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 975-62-26.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Гўнона дарча" марказида 16.05.2017 йилда 632668 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Боникатий 2-тор қўчаси, 25-ўйи манзилда давлат рўйхатидан ўтган "COMSANTANA" оилавий корхонаси (СТПР: 304 989 063) талқисноқининг 28.03.2019 йилдаги 1-сонли уқуқий йиллиги баённомасига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 326-08-61.

Бақирова Робия Комилжон кизга Тошкент шаҳар Миробод тумани қўчасида ва сервис қаб-қўнар қоплиги томонидан 2015 йилда берилган ПР56745, №4049024 диплом йўриқлиги сабабли беқор қилинди.
Юнусобод туман давлат хизматлари маркази томонидан (Юнусобод тумани, Миробод тумани, Афросиёб қўчаси, 151-ўйи, 6-хонадон манзилда) давлат рўйхатидан ўтган "PROJET" маъсулияти чекланган жамияти тугатилди.
Давлолар (97) 732-66-65 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИФН: 305 551 023

Адлия вазирлиги жамоаси вазирилик Фохрийлар кенгаши Андижон вилояти бўлими раиси Одинахон Хайдаровага ўғли РАВШАНБЕКНИНГ бевақо вафот этганлиги муносабати билан чуқур талъия изхор этади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 15 мартдаги 30-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳрида фаолият олиб бораётган "FANIHA hilpuzan" адолат қўраётган адолати Адирова Широва Мининага 2018 йил 28 декабрда берилган ГЗ 000067-сонли ад-

СОЛИҚЧИГА САВОЛ

Қўшилган қиймат солиғи қўйилмайдиган маҳсулотлар

— Қандай товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган?

Сардор ХОТАМОВ,
Кармана тумани

— Солиқ кодексининг 208-моддасига асосан дори воситалари, босма маҳсулотлари, ўзи етилишига қўйилган маҳсулотлари, пропеллер-ортопедия буюмлари, носиронлар учун мўлжалланган инвентарлар почта маркалари ва бошқа товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги "Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 1065-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қўйидаги товарларнинг реализацияси қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди: гўшт (моп, кўй, товуқ), шунингдек, ҳайвонлар (қорамол ва парранда) тирик ҳамда уларни сўйиш маҳсулотлари, балик, картошка, пив, тукум, гуруч (барча навлари), шакар (шу жумладан, импорт қилинган), нон маҳсулотлари.

ТОВАР МОДИЙ БОЙЛИКЛАР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯДАН ЎТАДИ

— Менинг қорхонам 2019 йил 1 январдан бошлаб стандарт ҚҚС тўловчиси ҳисобланади, бунинг учун биз нима қилишимиз керак?

Саид АБДИЕВ,
Хатирчи тумани

— Сиз товар-моддий бойликларни, шунингдек, тайёр маҳсулотларнинг қолдигини инвентаризациядан ўтказишингиз лозим. Чунки ҚҚС тўлашга ўтилганда, улар илгари ҚҚС билан харид қилинган бўлса, тўланган ҚҚСни ҳисобга олишингиз мумкин бўлади.

Мисол учун, сиз 2018 йилда ўсимлик ёғини ва тамаки маҳсулотларини ҚҚС билан, қандолат маҳсулотларини эса ҚҚСсиз харид қилгансиз.

Омборда қиймати 2400 сўм, шундан 400 сўми ҚҚС бўлган ўсимлик ёғи, қиймати 1200 сўм, шундан 200 сўм ҚҚС бўлган тамаки маҳсулотлари ҳамда ҚҚСсиз харид қилинган қандолат маҳсулотлари қолган.

Ўсимлик ёғи ва тамаки маҳсулотлари қолдиқлари 2019 йилда реализация қилинганда, улар бўйича тўланган ҚҚСни ҳисобга олишингиз лозим.

Мисол учун, ўсимлик ёғи 2500 сўмга реализация қилинган тақдирда, 500

сўм (2500*20%) ҚҚС ҳисобланади. Бунда бюджетга 100 сўм (500-400) ўтказиш лозим бўлади. Яъни, бу маҳсулот реализацияси қийматининг кўпчилик ўйлаганидек, 20 фоизини эмас, балки 4 фоизини ташкил қилади.

Қандолат маҳсулотлари ҚҚСсиз харид қилинганлиги боис, улар реализация қилинганда ҳисобга олишдан фойдаланиб бўлмайди ҳамда ҚҚС суммаси уларни реализация баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

ЎТГАН ЙИЛГИ ТОВАР УЧУН ҚҚС ТўЛАНДИМИ?

— Агар товарларни юклаб жўнатиш 2018 йилда, тўлов эса 2019 йилда амалга оширилган бўлса, ушбу шартнома бўйича ҚҚС тўланадими?

Нодир БЕГМАТОВ,
Навоий шаҳри

— Товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган (ҚҚС бўйича мажбуриятларини юзага келиши) сана товарлар жўнатиш ва ҳисобварақ-фактура тақдим этилган сана бўлганлиги учун мазкур шартнома бўйича ҚҚС тўланмайди.

Масалан, сиз 2018 йилда 100 тонна цемент етказиб бериш бўйича қиймати 20 миллион сўмга тенг бўлган шартнома имзоланган ва товарларнинг ҳаммасини 2018 йилда реализация қилдингиз.

2018 йилда реализация қилинган товарлар бўйича тўлов 2019 йилда амалга оширилганлиги сабабли ҚҚС ҳисобланмайди ва тўланмайди. Чунки сиз реализация қилиш санаси ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган санада, яъни 2018 йилда ҚҚС тўловчиси бўлгансиз.

Саволларга Навоий вилоят давлат солиқ бошқармаси катта инспектори Нурбек САФАРОВ жавоб берди.

БЮДЖЕТГА ТўЛАШИНГИЗ ЛОЗИМ

— Агар товарлар учун тўлов 2018 йилда, юклаб жўнатиш 2019 йилда амалга оширилган бўлса нима қилиш зарур?

Аҳмад ПўЛАТОВ,
Зарафшон шаҳри

— Бунинг учун сиз қўшимча шартнома имзоланиши лозим бўлади. Бунда товарларни юклаб жўнатиш 2019 йилда амалга оширилганлиги учун сиз ҳисобварақ-фактура тақдим этишингиз ва ушбу солиқни тўлашингиз керак. Мисол учун, сизга 100 тонна цемент учун 20 миллион сўм миқдордаги пул маблағлари олдидан тўлов сифатида келиб тушди. Лекин мазкур цемент 2019 йилда реализация қилинмоқда. Бу ҳолатда сиз ҚҚСни ҳисоблашингиз ва бюджетга тўлаб беришингиз лозим бўлади.

РЕКЛАМА

Ҳурматли тадбиркорлар!

"АСАКА" БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар таклиф этади:

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс Банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки;
- Хитой Халқ Республикаси ICBC Банки;
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққиёт Банки;
- Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки — "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро Тараққиёт Агентлиги — "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида.

"АСАКА" БАНК — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

Маълумот учун телефонлар: (78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24, 120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ВА ҚОНУН

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7847



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

Бош
муҳаррир

Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Журабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалолович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Заиниддин Очилович

Таҳририятга келган
кўлемлар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадҳия Авазова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда. 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА
суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 11819
Буқорتما — V-3268
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.

Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23,

(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келтирилган нархда

1 2 3 4 5